

SIMPLE SENTENCE STRUCTURE – ОДДИЙ ГАП ТУЗИЛИШИ

S + P + C + M – оддий гап тузиш формуласи.

Бу ерда:

S – Subject. P – Predicate. C – Complement. M – Modifier.

S – Subject - эга.

S – Гапда иш-харакатни бажарувчи шахс ёки нарса хисобланади ва у who ва what сурокларига жавоб беради. Хар кандай гапда subject булиши шарт.

- **He** jumps high – who jump high?

Subject одатда predicatedан олдин келади ва иш харакат содир булмаган гапда маъно **subject** хакида булади:

- **Coffee** is delicious. – What's delicious?

Subject битта ва бир нечта сузлардан ташкил топган булиши мумкин:

- **Tom** runs fast – Битта сузликка мисол.
- **Old weak woman** is crossing the road. Be careful! – Бир нечта сузликка мисол.

Баъзи гапларда subject уз урнида келмайди. Масалан:

- There is **an apple**.

Бу ерда хакикий **subject apple**, калбаки эга эса there хисобланади. Thereги калбаки дейишимизга сабаб сурок савол тузилишида маълум булади яъни сурок савол тузилганда to be thereдан олдинга утади, бу эса subjectга хос эмас.

P – Predicate – кесим.

P – иш-харакат бажарилишини билдиради ва гапда subjectдан кейин келади. У доим гапда булиши шарт.

- Ted always **cries**.

Predicate бир нечта сузлардан ташкил топган булиши мумкин:

- He **is going** home.

Агар to be гапда ordinary verb (асосий феъл) шаклида келса, у узидан кейин келган **complement** билан бирга **predicate** хисобланади ва бу турдаги гапларнинг таржимасига “дир” кушимчаси кушилади:

- He **is a student** – У талабадир.

C – Complement –тулдирувчи.

C – predicatedан кейин келади ва уни тулдиради. Complement what ва whom сурокларига жавоб беради. Хар кандай гапда **Complement** булиши шарт эмас.

- I **saw Bill** – Whom did you see?
- **He took it** – What did he take?
- I **sleep**.

Complement бир неча сузлардан ташкил топган булиши мумкин:

- **Tom was driving his new car**.

M – Modifier – аникловчи.

M – гапда complementдан кейин келади ва у гапга кушимча маъно бериб аниклаштиради. Уни уч хил тури мавжуд:

Modifier of time – иш-харакатни қачон содир этилганлигини қусатади ва When суроғига жавоб беради.

Modifier of place – иш-харакатни қаерда содир этилганлигини қусатади ва Where суроғига жавоб беради.

Modifier of manner - иш-харакат қандай ҳолатда содир этилганлигини қусатади ва How суроғига жавоб беради.

- I saw him yesterday – When did you see him?
- I saw at school – Where did you see him?
- I drive fast – How do you drive?

Modifierлар кетма-кетлиги: 1 - *Modifier of manner*, 2 - Modifier of place, 3 - **Modifier of time**.

- Tom was running fast on the highway two days before.

Агар гапда биттадан ортиқ Modifier бўлса, Modifier of time ни гапнинг бошига олишимиз мумкин ва бунда гапнинг маъноси узгармайди:

- Yesterday he was swimming in the pool.
- He was swimming in the pool yesterday.
- Ann my cousin and Tom have been learning English by their heart on the library for two hours.

NOUN – OT

Noun – Who ва what суроқларига жавоб беради. У турт гуруҳдан ташкил топган:

1. **Common noun** – бунга одамлар, жойлар, нарсалар ва хайвонлар қиради. man, door, corner, dog.
2. **Proper noun** – бунга конкрет атамалар қиради. John, France, Santa Claus, New Year.
3. **Abstract noun** – бунга қуз билан қуриб қул билан ушлаб бўлмайдиган маъно отлар қиради. Beauty, courage, friendship.
4. **Collective noun** – бунга бир нечта ёки бир гуруҳ одамлар, хайвонлар ва нарсаларни англатувчи отлар қиради. Family, crowd.

GENDER – ЖИНС.

Gender noun ни қайси жинсга тегишлилигини қурсатиб келади ва унинг ҳам урта қуриниши мавжуд.

1. **Masculine** – бунга уғил болалар, эркаклар ва эркак хайвонлар қиради. boy, uncle, cock.
2. **Feminine** – бунга қизлар, аёллар ва ургочи хайвонлар қиради. girl, aunt, hen.
3. **Neuter** – бунга жонсиз нарсалар, жинси ноаниқ хайвонлар ва уғил ёки қизлиги ҳали маълум бўлмаган ҳайвонлар қиради. table.

Exception rule!

Кема ва машиналарни баъзан эркак тилга олинганда **Feminine**дан фойдаланилади:

- She is my baby. (car)

Genderга алоқадор сузлардан мисоллар:

Одамлар учун,

- father – mother;
- husband – wife;
- king – queen;
- widower – widow.

Уй ва ёввойи хайвонлар учун,

- bull – cow;
- dog – bitch;
- duck – drake;
- ram – ewe;
- jack – jenny;
- tiger – tigress;

- stallion – mare.

Касблар (occupations) учун,

- actor – actress;
- conductor – conductress;
- heir – heiress;
- hero – heroine;
- manager – manageress;
- steward – stewardess;
- waiter – waitress;
- host – hostess.

Шундай отлар борки, биз бу отларни тугридан тугри жинсини аниклай олмаймиз. Бундай отларни жинсини аниклаш учун pronoun (he, she, his, her)дан фойдаланамиз:

- My neighbour bought a bike for his son. **Masculine.**
- My neighbour bought a bike for her son. **Feminine.**
- My student is clever. He studies at the lyceum. **Masculine.**

Бундай отларга куйидаги сузлар киради:

Одамлар учун,

Baby, child, cousin, infant, parent, relation, relative, spouse, teenager, adult, guest, foreigner, friend, person, pupil, neighbour.

Касблар (occupations) учун,

Teacher, student, artist, assistant, cook, dancer, driver, doctor, guide, journalist, lawyer.

Хайвонлар учун,

Sheep, cat, horse, deer, crocodile, donkey, etc...

PLURALS – КУПЛИК ШАКЛЛАРИ

Качонки биз икки ва ундан куп нарса, предмет, хайвон, одам ёки жойлар хакида гапирсак pluralдан фойдаланамиз.

Отларни асосан **s** харфини кушиш билан pluralга айлантиради.

- Dog – dogs.
- Boy – boys.

Агар от р + s, k + s ва f + s харфлари билан тугаса, уларнинг талаффузи **s** булади. Бошка холларда талаффуз **z** билан айтилади.

- Shops.
- Cliffs.
- Weeks.

Агар бирликдаги от **o, ch, sh, s, ss, x** харфлари билан тугаса, бундай отни куплик шаклини ясаш учун **es** кушимчаси кушилади.

- Church – churches.
- Tomato – tomatoes.

Exception rule!

Маълум бир **o** харфи билан туговчи сузлар борки, уларнинг куплик шаклини ясаш учун тугридан тугри **s** харфини кушамиз, булар:

Динамо (дайнэмэу), kilo, kimono, photo, soprano, zoo, video, kangaroo, piano.

Агар бирликдаги от consonant+у билан тугаса уни куплик шаклини ясаш учун суз охиридаги **у** харфини тушириб **ies** кушимчаси кушилади.

- Baby – babies.
- Lady – ladies.

Агар бирликдаги от vowel+уга тугаса, уни куплик шаклини **s** харфини кушиш билан ясалади.

- Boy – boys.
- Guy – guys.

Шундай 12 та **f, fe** харфлари билан туговчи сузлар борки, уларнинг куплик шаклини ясаш учун суз охиридаги **f, fe** харфларини тушириб, уларнинг урнига **ves** харфларини куямиз:

Shelf	Shelves	Life	Lives
Calf	Calves	Self	Selves
Half	Halves	Sheaf	Sheaves
Knife	Knives	Thief	Thieves
Leaf	Leaves	Wolf	Wolves
Loaf	Loaves	wife	Wives

Куйидаги 4 та сузни куплик шаклини ясаш учун ё тугридан-тугри **s** харфини ёки **f** туширилиб **ves** кушимчаси кушилади:

- Scarf – scarfs - scarves.
- Wharf – wharfs – wharves.
- Dwarf – dwarfs – dwarves.
- Hoof – hoofs – hooves.

Юкоридаги 16 та суздан ташкари колган барча **f, fe** билан туговчи сузларни куплик шаклини ясаш учун **s** харфини кушамиз:

- Cliff – cliffs.
- Giraffe – giraffes.

Баъзи отларни куплик шаклини ясаганда шакл алмашиниши содир булади ва бундай сузларни куплик шаклини ясаш учун **s** харфи кушилмайди:

Foot – feet, tooth – teeth, mouse – mice, child – children, ox – oxen, man – men, woman – women.

Маълум бир отларни шакли бирликда ҳам купликда ҳам бир хил. Уларнинг бирликда ёки купликда эканлигини predicate еки pronoun оркали билиб оламиз:

Sheep, fish, deer.

Exception rule!

Баъзан fishes сузи учраб туради, бундай холда гапнинг маъноси баликларнинг сони билан эмас балки баликларнинг тури тугрисида булади.

- There are fish – баликлар бор.
- There are fishes – турли хил баликлар бор.

Баъзи-бир отларни бирлик шакли йук. Улар хамиша plural хисобланади ва улар узидан кейин доим купликдаги феълни талаб килади:

Police, clothes.

- Police are coming.

Икки кисмдан ташкил топган кийим ва асбоблар мавжуд. Булар ҳам хар доим plural хисобланади:

Кийимлар,

Pants, trousers, pyjamas, etc...

Асбоблар,

Binoculars, scales, scissors, pliers, etc...

Коидаси йук ва хамиша plural сузлар:

Arms, earning, goods, wares, grounds, greens, pains, damages, outskirts, premises, quarters, surroundings, valuables, particulars, riches, savings, spirits, stairs.

Ics харфлари билан туговчи ва хамиша plural хисобланувчи сузлар:

Physics, mathematics, athletics, politics, ethics.

- His mathematics are weak.

Exception rule!

Лекин баъзида фанга доир гапларда бу сузлар бирликдаги маънони англатиши мумкин:

- Mathematics is an exact subject.

Баъзи-бир отлар доим бирликда ишлатилади, уларнинг куриниши куплик шаклида булса хам улар узидан кейин бирликдаги феълни талаб килади. Уларнинг куплик шакли мавжуд эмас:

News, shingles, mumps, rickets, billiards, bowls, darts, draughts, dominoes.

Четдан кириб келган сузлар борки уларнинг куплик шаклини яшаш уша тил коидаларига биноан бажарилади:

Radius	Radii
Crisis	Crises
Erratum	Errata
Terminus	Termini
Cactus	Cacti
Memorandum	Memoranda
Phenomenon	Phenomena
Oasis	Oases
Bacterium	Bacteria

Кискартма сузларни куплик шаклини яшаш:

- VIP – very important person – VIPs – very important people.
- MP – Member of Parliament – MPs – members of Parliament.

CAUNTABLE NOUNS - UNCAUNTABLE NOUNS САНАЛАДИГАН ОТЛАР ВА САНАЛМАЙДИГАН ОТЛАР

Нounлар икки турга булинади, **countable noun** ва **uncountable noun**.

Countable noun олдидан ракамларни ишлата оламиз ва у бирликда, купликда булиши мумкин.

Uncountable noun олдидан ракамларни ишлата олмаймиз ва у факат бирликда келади.

Модда номлари **uncountable noun** хисобланади:

Beer, gold, coffee, cream, bread, iron, ...

Abstract nounлар хам **uncountable noun** хисобланади:

Advice, beauty, death, love ...

Exception rule!

Баъзи-бир сузлар борки, улар узбек тилида саналиши мумкин лекин инглиз тилида **uncountable noun** хисобланади:

News, rubbish, information, weather, hair, traffic, travel, work, shopping, parking, etc.

Uncountable nounларни миқдорини курсатиш учун куйидаги сузлардан фойдаланамиз:

- Some, any, much, no, a little, little, etc.
- A bit of, a drop of, a piece of, a sheet of, etc.

- Some gold.
- A drop of oil.

Бир нечта суз борки улар гапдаги маъносига караб **countable noun** ва **uncountable noun** булиши мумкин. Булар:

1. time,

- **How much time do you need to finish the job?** Ишни тугатишга Сизга канча вақт керак?
- **How many times have you been to London?** Сиз Лондонда неча мартаба булгансиз?

2. glass,

- **Windows are made of glass.** Ойналар шишадан тайёрланади.
- **I drank a glass of wine.** Мен бир стакан вино ичдим.

3. hair,

- **She has brown hair.** Унинг сочлари жигарранг.
- **He found a hair from the bag.** У сумкасидан соч толасини топди.

4. iron,

- **Iron is a metal.** Темир металдир.
- **I pressed my shirt with iron.** Мен куйлагимни дазмолладим.

5. paper,

- **I need paper to write letter.** Мен хат ёзишим учун коғоз керак.
- **I bought paper.** Мен газета сотиб олдим.

6. experience,

- **I didn't have much experience with computer.** Мени компьютер буйича малакам куп эмас.
- **We had many interesting experiences our trip.** Саёхатимизда купгина кизикарли воқеалар булди.

POSSESSIVE - ЭГАЛИК ШАКЛИ

Бир нарсани бошка кишига ёки нарсага тегишлилигини курсатиш учун **possessive** шаклидан фойдаланамиз. Унинг икки шакли мавжуд:

1. Apostrophe + s ('s)

's асосан кишилар, мамлакатлар ва хайвонлар учун ишлатамиз:

A man's book, Russia's export, bull's horn.

s билан тугамайдиган купликдаги отларни эгалик шаклини яшаш учун 's кушамиз:

Children's room, fish's mouth.

Куплик шакли **s** билан тугаган отларни эгалик шаклини яшаш учун ' (**apostrophe**)ни узини кушамиз:

The girls' school, eagles' nest, the Smiths' house.

s билан туговчи бирликдаги отларни эгалик шаклини яшаш учун 's ёки ' ни узини кушса булади:

James's house, James' house.

Бир нечта сузлардан ташкил топган **noun**нинг эгалик шаклини яшаш учун охири сузга 's кушамиз:

My brother-in-law's car. The Prince of England's order.

Кискартма отларни эгалик шаклини яшаш учун охирги харфдан кейин 's куйилади:

- VIP's jobs.
- MP's briefcase.

Exception rule!

Кема ва кайикларни эгалик шаклини яшаш учун 's шаклидан фойдаланса булади:

- The ship's captain.
- The yacht's mast.

Time expressionларда ҳам 's дан фойдаланса булади:

- A week's holiday.
- In two-year's time.
- Today's paper.

Кассобхона, турли хил дуконлар, дорихоналар ва шу каби сузларда 's дан фойдаланилса сузнинг иккинчи кисмини ишлатмаса ҳам булади:

The butcher's, baker's, chemist's, etc,... = the butcher's shop, the baker's shop, chemist's shop.

- I'll buy it from chemist's shop = I'll buy it from chemist's.
- I should go to the dentist's office = I should go to the dentist's.

Doctor's, dentist's, house agent's = 's office.

Name of people + 's = ...'s house.

- I had breakfast at Bill's house.
- I had breakfast at Bill's.

Бир сузни икки марта кайтармаслик учун уни тушириб колдириш мумкин:

- Mary's hair is black but Ann's is brown.

2. of – preposition

Бу структурани асосан жонсиз нарсалар учун ишлатилади. Of узбек тилида "нинг" маъносида келади.

- The roof of church – черковнинг томи.
- The wall of room – хонанинг девори.

Агар эгалик килувчи **phrase (ибора)** ёки **clause (мураккаб суз шакли)** булиб келса, of структурасидан фойдаланилади:

- I took the advice of the couple I met on the train.
- I took a hat of the man who was speaking in the hall.

COLLECTIVE NOUNS – ЖАМЛАНМА ОТЛАР

Агар collective nounга яъни бир гуруҳ одамлар ёки нарсалар ва хайвонларга бир бутунлик сифатида каралса, бу гуруҳ бирликда хисобланади ва узиндан кейин бирликдаги феълни талаб килади:

- Our team is the best.

Агар биз collective nounни хар бир аъзосига индивидуал карасак, у холда у купликда хисобланади ва узиндан кейин купликдаги феълни талаб килади:

- Our team are changing their clothes.

Time, money, va measurelarni bir butun narса sifатида гапирганимизда бирликдаги феълдан фойдаланамиз:

Time,

- Five minutes isn't enough to solve the test but ten minutes is enough to copy.

Money,

- Twenty-five dollars is too much to pay for that.

Measure,

- Twenty miles is too long to run in an hour.

COMPOUND NOUNS – КУШМА ОТЛАР

Compound noun бу бир нечта суздан ташкил топган лекин маъноси бир нарса ни англатувчи отлардир.

Boy-friend, travel-agent, son-in-law, break-in.

Compound nounни куплик шаклини яшаш учун охириги сузни куплик шаклига айлантираммиз:

Boy-friends, break-ins.

Compound noun таркибида man, woman сузлари катнашган булса, уни куплик шаклига айлантериш учун хар иккала сузни хам купликка айлантираммиз:

Man-driver – men-drivers.

Woman-driver – women-drivers.

Агар Compound noun verb + er + adverb шаклида булса, уни купликка айлантериш учун 1-сузни куплик шаклига айлантираммиз:

Hanger-on – hangers-on.

Runner-up – runners-up.

Агар Compound noun, noun + preposition + noun шаклида булса уни купликка айлантериш учун 1-сузни куплик шаклига айлантираммиз:

Son-in-law – Sons-in-law.

Word-of-court – Words-of-court.

Lady-in-waiting – Ladies-in-waiting.

NOUNS FUNCTIONING AS AN ADJECTIVE – СИФАТ ВАЗИФАСИДАГИ ОТЛАР

Агар бирор от бошка бирор отни олдида келса, у adjectiveга айланади:

Wool – wool coat.

Gold – gold watch.

Сифат вазифасида келаетган от ха миша бирликда хисобланади, хатто купликдаги отни изохлаб келаетган булса хам.

History teachers – **тугри**.

Histories teachers – **нотугри**.

Агар сифат вазифасида келаетган от number-noun шаклида булса, улар орасига чизикча куйишимиз шарт.

- We took a tour that last two weeks.
- We took a two-week tour.

ARTICLE – АРТИКЛ

Артикл узидан кейинги отни аниклаштириб келади, унинг 2 шакли мавжуд:

1. Indefinite article

2. Definite article.

Indefinite article – a/an

Хамма gender учун indefinite article бир хил хисобланади:

A girl, a boy, an uncle, an aunt, a table.

a артикли ундош товуш билан бошланувчи сузлар учун ишлатилади:

- A boy.
- A girl.
- A university.
- A Europe.

an артикли унли товуш билан бошланувчи сузлар олдидан ишлатилади:

- An aunt.
- An uncle
- An hour.
- An MP.

A/an маъноси одатда **one** булиб келади.

- I need a visa – Менга битта виза керак.

a/anнинг яна бир бошка маъноси **any**дир.

- Have you got a book? – Сизда бирорта китоб борми?

Indefinite article бирликдаги, саналадиган ва биз учун номаълум булган отлар олдидан келади:

- I bought an ice-cream.

Гапда noun-complement келса унинг олдидан indefinite article ишлатамиз. Noun-complement сифатида асосан occupationлар келади.

- It was an earthquake.
- She will be a dancer.

Indefinite article ишлатилмайдиган ҳолатлари.

1. Купликдаги отлар олдидан ишлатилмайди,

A dog – dogs.

2. Uncountable nounлар олдидан ишлатилмайди,

Gold. Iron. Wood.

3. Таомланиш вақтлари олдидан ишлатилмайди,

- I had breakfast.
- Tom has dinner at 8 p.m. everyday.

Агар таомланиш вақтлари олдидан adjective келса, уни олдидан артикл ишлатса булади,

- I had a good breakfast.

Бирор киши шарафига атаб берилган таомланиш вақтлари учун артикл ишлатилади,

- I was invited to a dinner which was given to celebrate Bill's birthday.

Definite article – the

The = this / that.

The ҳам барча genderлар учун ишлатилади,

The boy, the table, the girl.

Тени singular ҳамда pluralда ишлата оламиз,

The boy, the boys.

Тени яна uncountable noun олдидан ҳам ишлатса булади,

The gold, the glass.

Ягона (unique) нарсалар олдидан the ишлатамиз,

The sun, the moon, the sky, the equator, the stars, etc.

Тени noun аник булганда ишлатамиз,

- I saw a man. The man was speaking to a woman.

Phrase, clause отни аниклаштириб келса, у от олдидан the ишлатамиз,

- the girl in blue.
- The couple I met on the train.

Тартиб сонлар ва сифатнинг орттирма даражаси олдидан the ишлатамиз,

- The first.
- The second.
- The best.
- The most beautiful.

Only олдидан the ишлатсак, у “ягона” деган маънони беради,

- The only person who could speak English was he – Инглиз тилида гапира оладиган ягона киши у эди.

Compare!

- The girl in blue in the crowd – оломон ичидаги ягона кук кийимдаги киз.
- A girl in blue in the crowd – оломон ичидаги купгина кук кийимли кизлардан бири.
- A dog is barking – каердадир ит вовуллаганда айтилади.
- The dog is barking – кучада учраб вовуллаган итга нисбатан айтилади.

NUMERALS – СОНЛАР

Сонни гапдаги вазифаси adjective ва у икки турга булинади:

1. Cardinal numerals (микдор ёки санок сонлар)

Cardinal numerals предметнинг микдорини курсатиб келади ва гапдаги вазифаси сифат.

1 one	11 eleven	21 twenty-one	50 fifty
2 two	12 twelve	22 twenty-two	60 sixty
3 three	13 thirteen	-----	70 seventy
4 four	14 fourteen	30 thirty	80 eighty
5 five	15 fifteen	31 thirty-one	90 ninety
6 six	16 sixteen	32 thirty-two	100 a hundred
7 seven	17 seventeen	-----	1000 a thousand
8 eight	18 eighteen	40 forty	1000000 a million
9 nine	19 nineteen	41 forty-one	1000000000 a billion
10 ten	20 twenty	42 forty-two	-----

Агар сон 3 ёки ундан ортик ракамдан ташкил топган булса, бирлик ва унликдан олдин **and** сузини ишлата оламиз:

- 400 – four hundred.
- 1400 – one thousand, four hundred.
- 401 – four hundred and one.
- 1401 – one thousand, four hundred and one.
- 410 – four hundred and ten.
- 499 – four hundred and ninety-nine.

100 000 талик ва 100 000 000 таликларга ҳам худди шу коида кучга эга:

- 401.401.401 – four hundred and one million, four hundred and one thousand, four hundred and one.

123.456.789 – one hundred and twenty-three million, four hundred and fifty-six thousand, seven hundred and eighty-nine

A/one.

Hundred, thousand, million, etc. ... узи якка келса, улар олдидан **a** ишлатган маъкулрок аммо one ҳам хато эмас.

- A hundred = one hundred.
- A thousand = one thousand.

Бундан ташкари биз **a** дан куйидагича фойдалансак ҳам булади:

101 – a hundred one.

-----,

103 – a hundred and three.

-----,

199 – a hundred and ninety-nine.

1001 – a thousand and one.

1002 a thousand and two.

-----,

1099 – a thousand and ninety-nine.

Бундан бошка холларда **a** артиклини ишлата олмаймиз факатгина опедан фойдаланамиз:

1140 – one thousand, one hundred and forty.

Агар hundred, thousand, million, dozen(12 талик), etc., аник бир миқдорни курсатиб келса уларни куплик шаклига айлантйрилмайди:

- Six hundred people.
- Two thousand birds.
- Three dozen eggs.

Hundred, thousand, million, dozen, etc., сузлари аник бир миқдорни эмас балки куплаб деган маънони бериш учун ишлатилганда улар куплик шаклига айлантйрилади ва улардан кейин хамиша **of** предлогини куйишимиз шарт:

- Hundreds of people – юзлаб одамлар.
- Thousands of birds – минглаб кушлар.
- Dozens of eggs – куплаб тухумлар.

2. Ordinal numerals (тартиб сонлар)

Ordinal numerals нечанчи саволга жавоб беради, тартибни билдириради ва гапда adjective хисобланади.

1 first	11 eleventh	21 twenty-first	50 fiftieth
2 second	12 twelfth	22 twenty-second	60 sixtieth
3 third	13 thirteenth	----- ----	70 seventieth

4 fourth	14 fourteenth	30 thirtieth	80 eighth
5 fifth	15 fifteenth	31 thirty-first	90 ninetieth
6 sixth	16 sixteenth	32 thirty-second	100 the hundredth
7 seventh	17 seventeenth	----- ----	1000 the thousandth
8 eighth	18 eighteenth	40 fortieth	1001 the thousand and first
9 ninth	19 nineteenth	41 forty-first	1000000 the millionth
10 tenth	20 twentieth	42 forty-second	-----

And коидаси санок сонда келтирилган койдагидек амалда булади.

- 123.456 – one hundred and twenty-three thousand, four hundred and fifty-sixth.

Каср сонларни ифодалаганимизда унинг суратини санок сон оркали махражини эса тартиб сон оркали ифодалаймиз. Агар суратимиз 1 дан катта булса тартиб сонни куплик шаклига айлантирамиз:

- Cardinal/ordinal.
- 1/10 – a (one) tenth (**a** ни ишлатган маъкулрок).
- 3/7 – three sevenths.

Exception rule!

- 1/2 - **a half**.
- 1/4 - **a quarter**.

A whole number + fractionдан кейин тугридан тугри pluralдаги отни ишлата оламиз:

- 2 1/4 - two and a quarter miles.

Каср сондан кейин noun ишлатмокчи булсак **of** предлогидан фойдаланишимиз шарт:

- 1/4 of a second = a quarter of a second.

Лекин,

Halfдан кейин **of** предлогини ишлатиш-ишлатмаслик ихтиёрий.

- Half (of) my earnings are paid in taxes.

Ёзма тартиб сонни ракам оркали ифодаламокчи булсак, ракам охирига ёзмадаги охирги иккита харфни кушиб куямиз:

First – 1st, second – 2nd, third – 3rd, the hundred and first – 101st ...

Кирол, Киролича ва хоказоларнинг унвонини (title) айтганда Рим ракамларидан фойдаланамиз. Аммо уларни тулик ёзиш керак булса, тартиб сондан фойдаланамиз ва бунда тартиб сондан олдин албатта **the** артиклини куямиз:

- Charles V – Charles the fifth.
- Elizabeth II – Elizabeth the second.

PRONOUNS - ОЛМОШЛАР

От урнида келадиган сузлар олмош (Pronoun) хисобланади. Pronoun бир неча турга булинади:

1. Personal pronoun (кишилик олмоши), у икки турга булинади:

SUBJECT PRONOUN.
OBJECT PRONOUN.

Pronouns		SUBJECT	OBJECT
SINGULAR	First person	I	Me
	Second person	You	You
	Third person	He/She/it	Him/her/it

PLURAL	First people	We	Us
	Second people	You	You
	Third people	They	Them

SUBJECT PRONOUN

Subject pronoun гапда эга урнида келади.

- I go to school.
- We are students.
- She wears glasses.

Pronoun лар to be шаклидан кейин келадиган гапнинг холатига караб ишлатилади:

1. мураккаб гап шакли олдидан келса, subject pronoun дан фойдаланамиз,
 - It was she who knew the real guilty.
2. якка узи келса object pronoun дан фойдаланган маъкулрок,
 - It was me.
 - It was I.

We ва You дан кейин тугридан тугри noun ишлата оламиз, бошка subjectлардан кейин ишлатиш хато хисобланади. Масалан:

- We students always take minus.
- You students always take minus.

OBJECT PRONOUN

Object pronoun гапда complement урнида келади.

- They called us on the telephone.
- He bought it.

Гапда prepositionнинг complementи сифатида object pronounни ишлатишимиз мумкин.

- Mary is going to class with me.

Verb + preposition шакли катнашган гапларда ҳам object pronounдан фойдаланамиз:

- The policeman was looking for him.

Аммо preposition келганда хар доим ҳам object pronounдан фойдаланиб булмайди. Агар prepositionдан кейин мураккаб гап шакли (clause) келса subject pronounдан фойдаланамиз:

- Janet will make her presentation after him.
- Janet will make her presentation after he finishes his speech.

You билан it subject pronounда ҳам object pronounда ҳам бир хил шаклга эга.

2. Reflexive pronoun (Узлик олмоши).

Singular	Myself (узим, узимга)	Plural	Ourselves (узимиз, узимизга)
	Himself (узи, узига-уғил бола)		Themselves (узлари, узларига)
	Herself (узи, узига-киз бола)		
	Itself (узи узига-жонсиз ва жинси ноаник нарсаларга)		
Yourself (узингиз, узингизга)	Yourselves (узларинг, узларингизга)		

*- self кушимчаси купликда selvesга айланади.

Агар subject иш бажариб ва бу ишни узи кабул килиб олса, у холда reflexive pronounдан фойдаланамиз яъни subject ҳам object ҳам битта шахс булса,

- John bought him a car – Жон унга машина сотиб олди
- John bought himself a car – Жон узига машина сотиб олди

- We hurt **ourselves** playing football – Биз футбол уйнаетиб узимизни жарохатладик.
- Tom and Ann blamed **themselves** in the accident – Бу бахтсиз ходисада Том ва Анна узларини айбдор хисоблашди.
- This refrigerator defrosts **itself** – Бу музлатгич узини узи эритади.

Юкоридаги коидара ушаб prepositionдан кейин reflexive pronounдан фойдалана оламиз:

- He spoke to **himself** – У узига узи гапирди.
- I'm annoyed with **myself** – Мен узимдан ранжидим.

Аммо preposition жойлашувни назарда тутиб келса, reflexive pronounдан фойдалана олмаймиз:

- Did you take your dog with you? – Сиз узингиз билан кучугингизни олволдингизми?
- They put children among them. – Улар болаларни уларнинг орасига куйишди.

Subjectra урғу бериб таъкидлаш учун reflexive pronounдан фойдаланамиз. Бу холда reflexive pronoun subjectдан кейин куйилади ва шу subject учун урғу берилади, лекин баъзи холларда reflexive pronoun гапни охирида келиши ҳам мумкин:

- I **myself** believe that the proposal is good – Мен ишонаманки, бу таклиф яхшидир.
- John **himself** bought the gifts – Жон шахсан узи совга сотиб олди.
- I did it **myself** – Мен буни килдим.

Агар бирор бир nounга урғу бермокчи булсак, уша nounдан кейин reflexive pronoun ишлатамиз:

- I saw Tom **himself** – Мен Томни шахсан узини курдим.
- He spoke to President **himself** – У шахсан Президент билан гаплашди.

By + reflexive pronoun = alone

- John cleaned the room by **himself** – Жон хонани узи якка тозалади.
- I did it by **myself** – Буни мен якка узим килдим (бошкалар ёрдамисиз).
- I did it **myself** – Буни мен килдим (бошка одам килгани йук).

Гапда take / bring something with... шакли катнашган булса, бу шаклдан кейин reflexive pronoun ишлата олмаймиз:

- I went out and took an umbrella with me – Мен кетдим ва узим билан бирга соябонни олволдим.
- He brought the letter with him – У узи билан бирга хатни олволди.

Гапда feel / relax / concentrate феъллари келса, бу феъллардан кейин reflexive pronoun ишлата олмаймиз:

- He feels (**himself**) good – У узини яхши хис кияпти.
- Before speech, you should concentrate – Сузга чикишдан олдин диккатингни жамлаб олишинг керак.

wash / dress / shave феълларидан кейин ҳам reflexive pronoun ишлата олмаймиз:

- I washed (**myself**) – Мен ювиндим.
- I got up, washed and dressed – Мен турдим, ювиндим ва кийиндим.

Агар гапни subjectи We ёки I булса ва predicateи meet булса Wedан кейин ourselves, us, our, etc.; I дан кейин эса me, myself, my, etc.ларни ишлата олмаймиз:

- What time shall we meet? – Соат нечада биз учрашамиз?
- I met with him at the stadium – Мен у билан стадионда учрашдим.
- They met them in the theatre – Улар уларни теартда учратишди.
- He met him – У уни учратди.

3. Reciprocal pronoun (икки томонлама олмош).

Each other, one another – бир-бирига

- Tom looked at **himself** and Ann looked at **herself**. They looked at **themselves** – Том узига каради ва Анна узига каради. Улар узларига карадилар.

- Tom looked at Ann and Ann looked at Tom. They looked at **each other** – Том Аннага каради ва Анна Томга каради. Улар бир-бирларига карашди.

Each other урнида one another ишлата оламиз ва бунда уларнинг маънолари бир хил:

- Sue and Bill like **each other** / **one another** – Сйю ва Бил бир-бирларини ёктиришади.

4. Indefinite pronoun (Ноаник олмош).

One/ones **one = a ...** **ones = aforementioned**

One/ones = (a*) + олдин эслатиб утилган отни билдиради.

- * - **a** артикли факат бирликдаги отлар учун ишлатилади.
- I need a pen. Do you have **one**?
- I need at least three books. Have you got **ones**?

Агар гап солиштириш ёки танлаш хакида булса, this, that, these, thoseлардан кейин one/ones ишлата оламиз:

- This chair is too low. I'll sit on that one.
- I like these blue ones best.

One/onesни сифатдан кейин олдин эслатиб утилган noun урнида ишлата оламиз:

- I lost my camera, this is new one.
- Don't buy expensive apples, buy cheaper ones.
- Hard beds are healthier than soft ones.

The артиклидан кейин one/ones indefinite pronoun ишлата оламиз, яъни олдин эслатилган от урнида:

- Which hotel did you stay at? – The one near the station.
- Which cigarettes are yours? – The ones on the table.

ADJECTIVES - СИФАТЛАР

Adjective бу “describing” яъни тасвирловчи, ифодаловчи суз булиб, у бизга noun хакида кушимча маълумот беради.

Adjectivelар бирликдаги отларга хам купликдаги отларга хам ва хамма genderлар учун бир хил шаклда булади.

A good boy - good boys; a good girl - good girls.

Exception rule!

Аmmo this ва that факат бирликдаги отлардан олдин ишлатилади, купликдаги отлардан олдин эса these ва those ишлатилади:

- This man – these men.
- That dog – those dogs.

Position of adjective

Adjective келадиган урнига кура иккига булинади:

1. Attributive adjective. (аникловчи)
2. Predicative adjective. (тасдикловчи)

Attributive adjective бу nounдан олдин келадиган adjectivelардир.

- A big house.
- An ugly woman.
- An interesting book.

Predicative adjective бу феълдан кейин келадиган adjective хисобланади.

- I am happy.
- She became rich.
- They seemed sad.
- It tasted delicious.

Predicative adjective факатгина куйидаги феъллардан кейин келади:

Be, become, seem, appear, feel, get/grow (become маъносида келса), keep, look, make, smell, sound, taste.

Бундан бошқа феъллар келса, adjective ишлата олмаймиз, бу холда adverb (равиш) ишлатилади:

- He looked sad – у гамгин куринди.
- He looked at sadly – у гамгин каради.

Order of adjectives

Adjectivelар маъно жихатидан икки турга булинади:

1. Fact adjective;
2. Opinion adjective.

Fact adjective бу noun хакидаги аниқ бир маълумотлардир, яъни факт белгисидир.

- Black cat.
- Round ball.

Opinion adjective бу факт булмаган adjectivelар яъни одамни фикри, дунё караши буйича берилган маълумотлардир.

- Clever guy.
- Beautiful girl.

Adjectivelар кетма-кетлиги:

1. Size – (except: little), (+ length) – long, short, big, small, titanic, giant.
2. General description – opinion adjective: beautiful, nice, clever, good.
3. Age – (inclusive: little) – old, сонлар.
4. Shape – (+ width) – round, triangle, wide, narrow.
5. Colour – black, red.
6. Material – plastic, wooden, velvet.
7. Origin – Chinese, French, German – каерда тайёрганлиги.
8. Purpose – walking stick – нима максад учунлиги.

- A long sharp knife.
- An old plastic bucket.
- A small round bath.
- An elegant French clock.
- Blue velvet jeans.

DEGREES OF ADJECTIVE – СИФАТНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Сифат даражасига кура учга булинади,

1. **Positive adjective.**
2. **Comparative adjective.**
3. **Superlative adjective.**

1. **Positive adjective.**

Positive adjective nounни якка узи хакида маълумот беради яъни уни бошқа отга солиштирилмаётганда ишлатилади:

- | |
|----------|
| A |
|----------|

 A is a big box.

2. Comparative adjective.

Comparative adjective икки отни солиштирилаётганда ишлатилади:

- | |
|---|
| A |
|---|

B

 B is bigger than A.
- He is clever than his classmates.

Comparative adjectivени ясалиши.

1. Бир бугинли сифатларга **er** кушимчасини кушиш оркали ясалади,
 - Bright – brighter.
 - Brave – braver.

Агар сифат **e** ни узи билан тугаса у холда **r** ни узини кушамиз.

2. Икки ёки ундан куп бугинли сифатлардан олдин **more** сузини кушамиз ва асосий сифатни узгартирмаймиз,
 - Interesting – more interesting.
 - Frightening – more frightening.

Exception rule!

Икки бугинли ва **y, er** харфлари билан тугайдиган сифатларга **er** кушимчасини кушамиз:

- Clever – cleverer.
 - Happy – happier.
 - Pretty – prettier.
 - Busy – busier.
3. Агар бир бугинли сифат vowel + consonant тугаса, суз охиридаги consonant икки марта ёзилади ва **er** кушимчаси кушилади:
 - Big – bigger.
 - Sad – sadder.
 - Fat – fatter.
 - Wet – wetter.
 4. Икки nounни бир-бирига солиштираётганда **than** prepositionдан фойдаланамиз. У “дан” деган маънони билидиради,
 - He is taller than me.
 - Don't buy expensive apples, buy cheaper ones.

3. Superlative adjective.

Superlative adjectivени уч ёки ундан ортик nounни солиштираётганимизда ишлатамиз ва у “энг” деган маънони билдиради,

- | |
|---|
| A |
|---|

B

C

 B is bigger than A, C is bigger than B. C is the biggest box.

Superlative adjectivени ясалиши.

1. Бир бугинли сифатларга **est** кушимчаси кушилади,
 - Bright – brightest.
 - Brave – bravest.
2. Икки ёки ундан куп бугинли сифатлардан олдин **most** сузини кушамиз,

- Interesting – most interesting.
- Frightening – most frightening.

Exception rule!

Агар икки бугинли сифат **er, y** харфларига тугаса уни superlative adjectiveга айлантириш учун унга "est" кушимчасини кушамиз,

- Clever – cleverest.
 - Happy – happiest.
3. Бир бугинли vowel + consonant билан туговчи сифатни яшаш учун охириги consonant икки марта ёзилиб "est" кушимчаси кушилади,
- Big – biggest.
 - Sad - saddest.

Барча superlative adjectivelардан олдин "the" артиклини ишлатишимиз шарт.

- Beautiful – the most beautiful.
- Tall – the tallest.

IRREGULAR ADJECTIVES – НОТУГРИ СИФАТЛАР

Куйидаги сифатларни comparative ва superlative шакли ясалганда уларда шакл алмашиниши юзага келади.

Good	better	The Best
Bad	Worse	The Worst
Far	Farther	The Farthest
	Further	The Furthest
Old	Elder	The Eldest
	Older	The Oldest
Little	Less	The Least
Many / Much	More	The Most

Farther / Farthest & Further / Furthest

Агар биз буларни масофа маъносида ишлатсак, улар уртасида ҳеч қандай фарқ йук,

- York is further/farther than Lincoln – Йорк Линколндан узокрок.
- York is the furthest/farthest – Йорк энг узокдир.

Further баъзан "кушимча" деган маънода ҳам келади,

- Further discussion would be useless.
- Further supplies will be needed.

Elder / Eldest & Older / Oldest

Elder/Eldest асосан оила азъзолари учун ишлатилади ва маъноси **каттарок, энг катта** булади,

- My elder brother.

"**Than**" билан бирга **elder** ни ҳеч қачон ишлатиб булмайд, elderни урнига olderдан фойдаланамиз,

- **Tom is elder than Jane. НОТУГРИ.**
- **Tom is older than Jane. ТУГРИ.**

A little / little & A few / few

A little / little фақатгина **uncountable noun**лар олдидан ишлатилади ва маъноси **оз, озгина**дир.

- I have a little money.

- We have little time.

A few / few эса факат **plural noun**лар олдидан ишлатилади ва маъноси **оз, озгинадир**.

- A few people came.
- Few boys smoke.

A little ва **a few** nounни оз миқдорда эканлигини курсатади ва у “деярли етарли” деган маънони беради.

Little ва **few** эса етишмовчилик, камчиликни билдиради ва у “деярли йук” деган маънони беради.

- We have a little knowledge – Бизда озгина билим бор.
- We have little knowledge – Бизда даярли билим йук.
- There are few butterflies in the centre of city – Шахар марказида капалаклар даярли йук.
- There are a few butterflies in the village – Кишлоқда озгина капалаклар бор.

Many / much & a lot of

Many факат **plural noun** олдидан ишлатилади.

Many books, many pens.

Much факат **uncountable noun** олдидан ишлатилади.

Much time, much knowledge.

A lot of эса хам **uncountable noun** хам **plural noun** олдидан ишлатилади.

- A lot of books.
- A lot of time.

Many ва much асосан сурок ва инкор гапларда ишлатилади.

- Did you read many books?
- I don't drink much water.

A lot of ни эса асосан positive яъни дарак гапдан кейин ишлатамиз.

- I have got a lot of friends.

A lot of ни баъзан nounsиз ишлатишимиз мумкин ва бунда of ни тушириб колдирамыз.

- Do you have enough money?
- Yes, a lot.

A lot ва much баъзан often маъносида келади.

A LOT / MUCH = OFTEN

- Do you watch TV much?
- No, not much.
- I like watching movies so I go to the cinema a lot.

POSSESSIVE ADJECTIVE – СИФАТНИНГ ЭГАЛИК ШАКЛИ

I – my, he – his, she – her, it – its, you – your, we – our, they – their.

Possessive adjectives гапдаги вазифаси сифатдир ва у эгаликни курсатиб келади.

- It's my book. Бу ерда **my** сузи сифатнинг эгалик шакли урнида келяпти.

Possessive adjective купликдаги отлар олдидан хам бирликдаги отлар олдидан хам бир хил шаклда келади.

- My book.

- My books.

POSSESSIVE PRONOUNS – ЭГАЛИК ОЛМОШЛАРИ

- My – mine
- Your – yours
- Its – its
- His – his
- Her – hers
- Our – ours
- Their – theirs

Possessive pronoun = possessive adjective + noun

- It's my book. It's mine.

Possessive pronounдан кейин ҳеч қачон отни ишлатмаймиз.

- Do you have a pen?
- I've lost mine.

Of + possessive pronoun ибораси one of + possessive adjective + plural nounга тенг.

- A friend of mine = one of my friends – менинг дустларимдан бири.
- A brother of hers = one of her brothers – унинг акаларидан бири.

This / that / those / these

This ва thatни фақат бирликдаги отлар олдидан ишлатилади ва таржимаси **мана бу** ва **ана**ви.

These ва thoseни эса фақат купликдаги отлар олдидан ишлатилади ва таржимаси **мана булар** ва **анавилар**.

Булар одатда сифат ҳисобланади.

ADVERBS – РАВИШЛАР

Рашиш иш-ҳаракатни қандай содир этилганлигини курсатади.

- He walked slowly.
- Our team played badly.

Ясалиши!

Adverbни яшаш учун асосан adjectiveга **ly** қушимчаси қушилади.

- Slow – slowly
- Bad – badly

Агар adjective **y** ҳарфи билан тугаса, **y** холда **y** ни тушириб урнига **ily** қушимчаси қушилади.

- Happy – happily
- Heavy – heavily.

Агар adjective **e** ҳарфи билан тугаса унга тугридан-тугри **ly** қушимчасини қушамиз яъни **e** ҳарфини тушириб қолдирмаймиз.

- Extreme – extremely.

Exception rule!

Куйидаги 3 та суз юкоридаги қоидага мустасно ҳисобланади яъни **e** ҳарфига тугаса ҳам уларни рашишини яшаш учун **e** ни тушириб **ly** қушимчасини қушамиз.

- true – truly
- due – duly
- whole – wholly

Агар сифат consonant + le га тугаса сифат охиридаги **e** харфи туширилиб **y** харфи кушилади,

- gentle – gently
- capable – capably

Агар сифат vowel + l га тугаса уни равиш килиш учун **ly** кушимчасини кушамиз,

- beautiful – beautifully
- final – finally

Exception rule!

Good сифатини равиши **well** хисобланади яъни унда шакл алмашилиши содир булади,

- A good team.
- Our team played well.

Kindly сузи ҳам сифат ҳам равиш хисобланади,

- He is a kindly person.
- He looked after me kindly.

Колган барча **ly** харфи билан тувовчи сифатларни равиш сифатида ишлатиб булмайди ва уларни равиш шакли йук. Бу камчиликни тулдириш учун сифатга синоним равиш ёки adverb phrase тузамиз,

Likely – probably, lonely – alone.

- He is a friendly person.
- He welcomed us in a friendly way.

Куйидаги туртта равиш хис-туйгуларни ифодалаш учун ишлатилади,

Coolly, coldly, hotly, warmly.

- We received them coldly. Биз уларни совук кабул қилдик.
- They denied the accusation hotly. Улар айбловни жажл билан рад этишди.
- She welcomed us warmly. У бизни илик кутиб олди.

Куйидаги сузлар ҳам сифат ҳам равиш хисобланади, яъни уларнинг сифат ва равиш шакли бир хилдир,

Back, early, enough, far, fast, ill, kindly, left, little, long, low, short, still, straight, well, wrong,
Deep*, direct*, hard*, high*, just*, late*, much/more/most*, near*, pretty*, right*.

Fast

- He drives fast. У тез хайдайди.
- A fast car. Тез юрар машина.

Back

- I'll come back soon. Мен орқага тезда кайтаман.
- The back door.

Direct

- You can dial Rome direct. Сиз Римга тугридан тугри тера оласиз.
- The direct street. Тугри куча.

Right

- Turn right here. Шу ерда унга буринг.
- The right question. Тугри савол.

Straight

- She went straight home. У тугри уйига кетди.
- The straight line. Тугри чизик.

Wrong

- He led us wrong. У бизни нотугри бошлади.
- The wrong answer. Нотугри жавоб.

* билан белгиланган сузларга **ly** кушимчасини кушиб бошка бир маънодаги равишни яшашимиз мумкин,

Deeply – асосан хис-туйгуларни ифодалаш учун ишлатилади ва маъноси **чукур, каттик** булади,

- People who work deep under the ground. Ерни тагида чукурда ишлаётган одамлар.
- A deep well. Чукур кудук.
- He was deeply offended. У каттик хафа килинган эди.
- He was thinking deeply. У чукур уйлаётган эди.

Directly – асосан икки маънода келади, 1-вакга нисбатан **тез, дарров**; 2-богланишга нисбатан **тугридан-тугри, бевосита**.

- I'll come back directly. Мен дарров кайтаман.
- You should ask directly from manager. Сиз тугридан-тугри бошлиқдан сурашингиз керак.

Hardly – асосан **аранг, зурга** маъноларида келади,

- The hard metal.
- He works hardly.
- We hardly managed this assignment (буйрук, вазифа).

Highly – равиши **жуда хам яхши (very well)** маъносида келади,

- A first-class hotel was built high in the hillside. 1-класс меҳмонхонаси қир атрофида баланд қилиб қурилган эди.
- Very high mountains. Жуда хам баланд тоғлар.
- He is paid highly (very well). Унга жуда хам қўп туланади.

Just сузи сифат бўлса **яқинда, эндигина** деган маънони, равиш бўлса **адолатли, ҳаққоний** деган маънони беради,

- I've just finished my job. Мен эндигина ишимни тугатдим.
- It's a just decision. Бу ҳаққоний қарор.

Justly – равиши эса **оқилона, адолатли, ҳаққоний** маъноларида келади,

- He ruled the people justly.

Lately – равиши **recently** яъни **сунги пайтларда, яқинда** маъносида келади,

- There's a penalty for a late registration. Кеч рўйхатдан утишга жарима бор.
- The train is running 15 minutes late. Поезд 15 минут кеч юряпти.
- Have you seen him lately? Сунги пайтларда сен уни қурдингми?

Mostly – **chiefly** маъносида яъни **асосан, қўп ҳолларда** деган маънода келади,

- He listens to rock music mostly. У асосан рок мусикасини эшитади.

Nearly – almost сузи билан бир хил маънони беради яъни **деярли**,

- He lives near me. У мени яқинимда яшайди.
- He lives in the nearest house to me. У менга энг яқин уйда яшайди.
- I am nearly ready. Мен деярли тайёрман.

Rightly – justly равиши билан бир-хил яъни **адолатли, хакконий** маъноларида келади,

- He controlled the empire rightly.

Prettily – равиши асосан **чиройли, ораста** маъноларида келади,

- A pretty girl. Чиройли киз.
- She moves pretty. У чиройли харакатланади.
- Her daughters are always prettily dressed. Унинг кизлари доим ораста кийинади.

Pretty сузи **very** яъни **жуда, етарлича** маъносида ҳам келади,

- It was a pretty difficult question. Савол етарлича кийин эди.

Shortly – равиши **soon** яъни **тез кунда, тезда** деган маънода келади,

- They'll announce the results shortly (soon). Улар натижаларни тез кунда эълон қилишади.

DEGREES OF ADVERB – РАВИШНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Равиш 3 даражага булинади: **1- Positive, 2- Comparative, 3- Superlative.**

Агар равиш икки ёки ундан кўп бугиндан ташкил топган бўлса, уни олдидан **more / most** сузлари қуйиб унинг **Comparative** ва **Superlative** даражаларини ясаймиз,

Quickly – more quickly – most quickly.

Агар равиш бир бугиндан ташкил топган бўлса, унга **er / est** қушимчаларини қушиб унинг **Comparative** ва **Superlative** шаклини ясаймиз,

Hard – harder – hardest.

Fast – faster – fastest.

Exception rule!

Early сузи мустасно суз бўлиб у икки бугиндан ташкил топган бўлишига қарамай, унинг **Comparative** ва **Superlative** даражаларини яшаш учун унга **er / est** қушимчаларини қушамиз,

Early – earlier – earliest.

Қуйидаги равишларни Comparative ва Superlative даражаларини ясалганда шакл алмашгани юзага келади,

Well	Better	Best
Little	Less	Least
Much	More	Most
Far	Farther	farthest
	Further	furthest

VERB – ФЕЪЛ

Verb – бу гапда иш харакатни курсатувчи суз ҳисобланади.

Verb – бу **action word** дир.

- I study at school.
- You are sitting.
- I am speaking.

Verb – икки турга булинади, **1 – auxiliary; 2 – ordinary.**

Ordinary verb – бу иш харакатни курсатувчи суз яъни агар гапда 1 дан ортиқ суз verb вазифасида келган бўлса, уларнинг орасида асосий маъно берувчиси, узаги ҳисобланади.

- I **speak** English fluently.
- He is **spreading** gossips.

Auxiliary verb – бу ordinary verbни қайси замонга тегишли эканлигини курсатувчи суздир.

- I am going to school.
- He has driven fast.
- She has been learning French for 2 years.

Модал сузлар auxiliary verb хисобланадилар,
Can, have to, ought to, should, must, etc...

- He can swim fast.
- She ought to go.

Auxiliary verbдан сурок ва инкор гаплар тузилганда фойдаланилади,

- I **study**.
- I don't study.
- Do I study?
- I **did** it.
- I didn't do it.
- They have been living there since 1999.
- I don't need to learn this subject.
- He needn't study.
- He didn't see me.

Need to ... сузининг бу қурилиши модал суз хисобланмайди. Need сузи фақат инкор гапларда келсагина auxiliary verb хисобланади.

TO BE

Present tense

I	Am	We	are
He	Is	You	
She		They	
It			

Past tense

I	Was	We	were
He		You	
She		They	
It			

- I am a student
- They were driving a car.

Сурок гап шакли

Present tense

Am	I?	Are	We?
Is	He?		You?
	She?		They?
	It?		

Past tense

Was	I?	Were	We?
	He?		You?
	She?		They?
	It?		

- Am I a student?
- Were they driving a car?

Инкор гап шакли

Present tense

I	am not	We	are not
He	is not	You	
She		They	
It			

Past tense

I	was not	We	were not
He		You	
She		They	
It			

- I'm not a student.
- They were not driving a car.

To be ни сурок гапларда кискартириш мумкин, аммо киска жавобларда ҳеч қачон кискартирилмайди,

- What is the problem? = What's the problem?
- Is he a policeman?
- Yes, he is.

To be феъли **auxiliary verb** сифатида икки хил ҳолатда ишлатилади,

1. Continuous tense ни курсатиш учун,
2. Passive (машхул) гапларда ишлатилади,

- He is working.
- The room was cleaned.

To be ни **ordinary verb** сифатида қуйидаги ҳолларда ишлатилади,

1. Бирор бир киши ёки нарсани мавжудлигини курсатиш учун
 - The dog is in the corner.
 - Policemen are at the door.
2. Бирор киши ёки нарса хақида маълумот бериш учун
 - He is a student.
 - She is a beautiful girl.
 - Gold is a metal.
3. Бирор бир киши ёки нарсанинг жисмоний ёки рухий ҳолатини курсатиш учун
 - I'm hot.
 - They are strong.
 - We are happy.
4. Ёшни курсатиш учун. Жонсиз нарсаларни ёшини курсатилаётганда year (years) old хамиша булиши шарт
 - How old is this building?
 - It is four hundred years old.
 - How old are you?
 - I'm ten. ёки I'm ten years old. (Not, I'm ten years)
5. size (узунлик, баландлик, кенглик, ...) ва weight (огирлик) ни курсатиш учун
 - How tall are you?
 - I'm one point sixty five meters.

- How high are we now?
- We are about two thousand feet.
- How much do you weigh?
- I am sixty five kilos.

Note!

Weight – noun

Weigh – verb

6. Price (нарх)ни курсатиш учун

- How much does it cost?
- It is sixty pounds.

There is/are/was/were ...

To be феълини subjectи noun булса, **there** структурасидан фойдаланса булади ва бу холда асосан **to be** “мавжуд булмок, содир булмок” деган маъноларда келади,

- A policeman is at the door.
- There is a policeman at the door.
